

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ****655 Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш
ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2535*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 569-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ миқдорларда белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 6 декабрдаги 85, 2012-37-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2404, 2012 йил 12 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 572-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2014 йил 1 январдан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2013 йил 6 декабрь,
112-сон

Р. АЗИМОВ**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2013 йил 6 декабрь,
2013-46-сон

Б. ПАРПИЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2013 йил 6 декабрдаги
112, 2013-46-сон қарорига
ИЛОВА

Алкоголли маҳсулотлар*
учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	3300	4000
Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	9400	11400
Ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	7800	9500

* Пиводан ташқари.